

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Муҳтарам намозхонлар! Жаннатмакон ўлкамизнинг мўмин-мусулмонлари ойларнинг саййиди бўлган Рамазон ойини ниҳоятда кўтаринки руҳда, кечаларини тоат-ибодат, кундузларини рўзадор ҳолда файзу футуҳ билан ўтказишди. Бу ойни солиҳ амаллар ва Аллоҳ розилиги йўлидаги ибодатлар ойига айлантиришди. Алҳамдулиллаҳ, Аллоҳ таоло ваъда қилган буюк мукофотни қабул қилиш куни "Ийди-Фитр", яъни Рамазон ҳайити каби улкан шодиёна кунда турибмиз.

Рамазон ҳайитини дунёдаги миллионлаб мусулмонлар қатори юртимиз мўмин-мусулмонлари ҳам катта шодиёна ва хурсандчилик билан ўтказадиган муборак айёмдир. Чунки ушбу кун тутган рўзаларимиз қабул этиладиган, Аллоҳнинг раҳмати ва фазли ер юзига мўл-кўл ёғиладиган, Аллоҳга қуллик ва итоатда қалбларимиз завқланадиган ажойиб вақтдир. Шу боис Ислоннинг шиори бўлган икки байрамда, Рамазон ҳайити ва Қурбон байрамида хурсандчилигимизни, саховатимизни ва юксак одоб-ахлоқимизни ҳар қачонгидан кўра кўпроқ изҳор қилишимиз керак.

Аллоҳ таоло Ўзининг муборак Каломиди шундай марҳамат қилган:

قُلْ بِفَضْلِ اللَّهِ وَبِرَحْمَتِهِ فَبِذَلِكَ فَلْيَفْرَحُوا هُوَ خَيْرٌ مِمَّا يَجْمَعُونَ ﴿58﴾ (سورة يونس / 58)

яъни: **“Айтинг: Аллоҳнинг фазли ва раҳмати билан, бас, (албатта), шулар сабабли (мўминлар) шодлансинлар! У тўплаган нарса (бойлик)ларидан яхшироқдир”** (Юнус сураси, 58-оят).

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَدِمَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْمَدِينَةَ وَلَهُمْ يَوْمَانِ يَلْعَبُونَ فِيهِمَا فَقَالَ: مَا هَذَانِ الْيَوْمَانِ؟ قَالُوا: كُنَّا نَلْعَبُ فِيهِمَا فِي الْجَاهِلِيَّةِ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ

عليه وسلم: إِنَّ اللَّهَ قَدْ أَبْدَلَكُمْ بِهِمَا خَيْرًا مِنْهُمَا يَوْمَ الْأَضْحَى وَيَوْمَ الْفِطْرِ

(رَوَاهُ الْإِمَامُ أَحْمَدُ وَالْإِمَامُ أَبُو دَاوُدَ).

яъни: Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қиладилар: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам Мадинага келганларида мадиналикларнинг кўнгилочар икки кунлари бор эди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Бу қандай кунлар?”** деб сўрадилар. Улар: “Жоҳилиятда бу кунлари кўнгилларимизни хуш қилардик”, дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Аллоҳ таоло бу икки кунни улардан ҳам яхши**

қурбонлик ва фитр кунларига алмаштирди”, дедилар” (Имом Абу Довуд ва Имом Аҳмад ривоятлари).

Яна шуни таъкидлаб ўтишимиз керакки, ўтган ҳайит билан бугунги ҳайитимиз ўртасида, Аллоҳ таолонинг марҳамати билан, юртимизда барчамизни хурсанд қиладиган катта ўзгаришлар бўлди, бунинг учун Парвардигоримизга тинимсиз ҳамду сано айтамыз. Зеро, Аллоҳ таоло Қуръони каримда:

وَإِذْ تَأَذَّنَ رَبُّكُمْ لَئِن شَكَرْتُمْ لَأَزِيدَنَّكُمْ وَلَئِن كَفَرْتُمْ إِنَّ عَذَابِي لَشَدِيدٌ ﴿١٤٦﴾

яъни: **“Яна Раббингиз эълон қилган (бу сўзлар)ни эслангиз: “Қасамки, агар (берган неъматларимга) шукр қилсангиз, албатта, (уларни янада) зиёда қилурман. Борди-ю, ношукрчилик қилсангиз, албатта, азобим (хам) жуда қаттиқдир”**, деб марҳамат қилади (Иброҳим сураси, 7-оят).

Бизга берилаётган яхшиликларга имконимиз борича яхшилик, солиҳ амаллар билан жавоб қайтармоғимиз лозим бўлади. Пайғамбаримиз саллолоху алайҳи ва саллам ҳам бу маънони таъкидлаб, айтадилар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: "مَنْ لَمْ يَشْكُرِ النَّاسَ لَمْ يَشْكُرِ اللَّهَ" (رَوَاهُ الْإِمَامُ التِّرْمِذِيُّ)

яъни: Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади Пайғамбаримиз саллолоху алайҳи ва саллам айтадилар: **“Одамларга ташаккур қилмаган, Аллоҳга ҳам шукр қилмайди”** (Имом Термизий ривоят қилган).

Аллоҳ таоло Ўз кудрати ва иродаси ила инсондек азиз ва муқаррам зотга ер юзини обод этишдек муҳим вазифани топшириб, унга барча нарсани бўйсиндирди. Инсон яхшилик ва ёмонликка бўлган муносабати билан имтиҳондан ўта билса, имтиҳон якунига мувофиқ, яхши ва ёмон натижаларга сазовор бўлади. Аллоҳ таоло айтади:

وَتَبْلُوكُمْ بِالشَّرِّ وَالْخَيْرِ فِتْنَةً وَإِلَيْنَا تُرْجَعُونَ

яъни: **“...Биз сизларни ёмонлик билан ҳам, яхшилик билан ҳам синаб, имтиҳон қилурмиз. (Кейин) Бизнинг ҳузуримизгагина қайтарилурсиз”** (Анбиё сураси, 35-оят).

Жаннатдан қувилганидан бери шайтон (алайҳи лаъна) инсон зотига қарши аёвсиз кураш олиб бориши ҳақида Қуръони каримда шундай дейилади:

قَالَ فَبِمَا أَغْوَيْتَنِي لَأَقْعُدَنَّ لَهُمْ صِرَاطَكَ الْمُسْتَقِيمَ ﴿١٠٠﴾ ثُمَّ لَأَتَيْنَهُمْ مِنْ بَيْنِ أَيْدِيهِمْ وَمِنْ خَلْفِهِمْ وَعَنْ أَيْمَانِهِمْ وَعَنْ شَمَائِلِهِمْ وَلَا تَجِدُ أَكْثَرَهُمْ شَاكِرِينَ ﴿١٠١﴾

яъни: “У (аламидан) деди: **“Қасамёд этаманки, мени янглиштирганинг туфайли Сенинг Туғри йулинг (Ислом дини) узра улар (одамларни чалғитиш) учун ўтираман. Сунгра уларга олдиларидан, ортларидан, унг томонлари дан ва сўл томонларидан (чалғитиш учун)**

келаман. (Натижада) уларнинг аксариятини шукур қилувчи ҳолда топмайсан” (Аъроф сураси, 16-17 оятлари).

Бу курашда шайтони лаъин нафси бад истаги ва майли билан иттифокда бирлашиб олади ва у Қиёмат куни бу иттифокдан юз ўгиради. Бу ҳақида Аллоҳ таоло айтади:

وَقَالَ الشَّيْطَانُ لَمَّا قُضِيَ الْأَمْرُ إِنَّ اللَّهَ وَعَدَكُمْ وَعَدَ الْحَقُّ وَوَعَدْتَكُمْ فَأَخْلَفْتُكُمْ وَمَا كَانَ لِي عَلَيْكُمْ مِنْ سُلْطَانٍ إِلَّا أَنْ دَعَوْتُكُمْ فَاسْتَجَبْتُمْ لِي فَلَا تَلُمُونِي وَلَوْلُمْ آتَيْنَا أَنْفُسَكُمْ مَا أَنَا بِمُصْرِخِكُمْ وَمَا أَنْتُمْ بِمُصْرِخِيَّ إِنِّي كَفَرْتُ بِمَا أَشْرَكْتُمُونِ مِنْ قَبْلُ إِنَّ الظَّالِمِينَ لَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ

Яъни: “Қачонки, иш битгач (яъни жаннат аҳли жаннатга, дўзахилар дўзахга ҳукм қилинган), шайтон дейди: “Аллоҳ сизларга ҳақ ваъда қилган эди. Мен ҳам ваъда бериб, сизларни алдаган эдим. (Лекин) мен учун сизларнинг устингиздан ҳеч қандай ҳукмронлик йўқ эди, илло мен сизларни (куфр йўлига) чорладим. Сизлар менга ижобат этдингиз. Энди мени эмас, ўзларингизни маломат қилингиз. Мен сизларга ёрдам бера олмайман, сизлар ҳам менга ёрдам берувчи эмассиз. Сизлар илгари мени (Аллоҳга) шерик қилганингизни инкор қилурман. Албатта, золимлар (кофирлар) учун (охиратда) аламли азоб бордир” (Иброҳим сураси, 22-оят).

Шайтон билан инсон ўртасидаги бу курашда рўза муҳим аҳамият касб этади. Зеро, инсон зоти насли давом этишида унга ҳаётий зарур бўлган — таом ва сув ҳамда инсон жинси давом этишида муҳим бўлган жинсий ҳошиш кураш майдонидир. Буларнинг ҳар бирида ўзига яраша куч ва қувват мавжуд. Агар у майл-истак қаршисида собит турса ва нафсининг иғволарига учмаса, албатта, имтиҳондан ўтади ва Парвардигори хузурида улуғ даражага эга бўлади.

Ҳайит кунлари мусулмонларнинг азиз байрами бўлгани учун у кунда шоду-хуррамлик, хурсандчилик қиладиган, кексаларни, ота-она, қариндошларни зиёрат қиладиган, беморлар ҳолидан хабар олинадиган ҳамда закот ва хайр эҳсон қилинадиган кундир.

Бундан кўзланган асосий мақсад жамиятда бир қадар тенглик пайдо қилиш, бой ва фақир ўртасида илиқ муносабатларни вужудга келтириш, Ислом динининг нақадар инсонпарвар, меҳр-мурувватга тарғиб қилувчи дин эканини намойиш қилиш, қолаверса, закот берувчининг молини поклаб, уни талофатдан асраш ва яна ҳам кўпайишига замин тайёрлашдир.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: مَنْ نَفَسَ عَنْ مُؤْمِنٍ كُرْبَةً مِنْ كُرْبِ الدُّنْيَا نَفَسَ اللَّهُ عَنْهُ كُرْبَةً مِنْ كُرْبِ يَوْمِ الْقِيَامَةِ ، وَمَنْ يَسَّرَ عَلَى مُعْسِرٍ يَسَّرَ اللَّهُ عَلَيْهِ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ ، وَمَنْ سَتَرَ مُسْلِمًا سَتَرَهُ اللَّهُ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ ، وَاللَّهُ فِي عَوْنِ الْعَبْدِ مَا كَانَ الْعَبْدُ فِي عَوْنِ أَخِيهِ

(رواه الإمام مسلم)

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: *“Ким бир мўминнинг дунё қайгуларидан бирини кетказса, Аллоҳ унинг қиёмат кунндаги қайгуларидан бирини кетказади. Ким дунёда бир қийналган (биродари)нинг оғирини енгил қилса, Аллоҳ таоло унинг қиёматдаги оғирини енгил қилади. Ким бир мусулмонни айбини беркитса, Аллоҳ таоло уни дунё ва охиратда сатр қилади. Қайси бир банда биродарининг ёрдамида бўлса, Аллоҳ таоло ҳам унинг ёрдамида бўлади”*, - деганлар (Имом Муслим ривояти).

Ҳайит кунлари дуолар қабул қилинадиган кундир. Бу кунда кўп жойларда одамлар урф қилиб, тўп-тўп бўлиб қабристонга, азадор хонадонларга бориш ҳоллари ҳам учраб турмоқда. Бу иш шаръан дуруст эмас. Мана бундай ношаръий амаллардан қайтайлик, ўзимизни ортиқча бидъат амаллардан сақлайлик. Бунинг ўрнига тинчлик, хотиржамлик шарофати ила Аллоҳнинг берган неъматларига шукр қилиб, эрта тонгдан масжидга чиқсак, бомдод намози ва ҳайит намозини жамоат билан адо этиб, кўпчилик билан қўлларимизни дуога очсак, қалбимиздаги истакларимизни, юртимиз тинчлиги ва фаровонлигини Аллоҳ таолодан сўрасак, иншааллох, эл-юртимиз, хонадонларимиз учун файзу футуҳ ва баракотлар ёғилажак.

Шунингдек, мусулмонлар ўзаро ғоявий курашлар кечаётган ҳозирги пайтда аҳолини, айниқса, ёшларни огоҳликка чақириб, муқаддас динимиз софлигини асрашда Аллоҳ таолонинг

وَاعْتَصِمُوا بِحَبْلِ اللَّهِ جَمِيعًا وَلَا تَفَرَّقُوا

“Аллоҳнинг “арқони”ни (Қуръонини) маҳкам тутинг ва фирқаларга бўлинманг...” (Оли Имрон сураси, 103-оят) деганг ояти каримасига мувофиқ иш тутсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Истиклол шарофати билан ҳар йили давлатимиз раҳбари томонидан махсус қарор қабул қилиниб, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари дам олиш кунлари деб эълон қилинади. Барча юртдошларимиз бу икки кунни кўтаринки байрам руҳида кенг нишонлаб келмоқдалар.

Муҳтарам жамоат! Ханафий мазҳаби буйича ҳайит намози вожиб ҳисобланади. Ҳайит намозига келишдан олдин таом ейиш, мисвок ва ғусл қилиш, хушбўй атир сепиш, энг яхши кийимларни кийиш ва намоз вақтигача садакаи фитрни бериш суннат амаллардандир. Масжидга келгандан сўнг бомдод намози адо этилади. Бомдод намозидан кейин масжидга келганлар эса то ҳайит намози ўқилгунига қадар, нафл намози ўқимайдилар.

Маълумки, Шаввол ойи ҳижрий сананинг унингчи ойи ҳисобланади. Бу ойда соғлиги ва имкони бўлган киши нафл рузасини тутса, Аллоҳ таоло у бандага кўп ажру мукофотларни беришини ваъда қилган. Ҳақ таоло бундай марҳамат қилади:

مَنْ جَاءَ بِالْحَسَنَةِ فَلَهُ عَشْرُ أَمْثَالِهَا

яъни: “**Ким (бир) ҳасана (савобли иш) қилса, унга ўн баробар (кўпайтириб ёзилур)..**” (Анъом сураси, 160-оят).

عَنْ أَبِي أَيُّوبَ الْأَنْصَارِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: "مَنْ صَامَ

رَمَضَانَ ثُمَّ أَتْبَعَهُ سِتًّا مِنْ شَوَّالٍ كَانَ كَصِيَامِ الدَّهْرِ" (أخرجه الإمام أحمد والإمام مسلم).

яъни: Абу Айюб ал-Ансорий розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: “**Ким Рамазон рўзасини тутиб, кетидан шаввол ойдан олти кун рўза тутса, йил бўйи рўза тутгандек бўлади**” деганлар (Имом Аҳмад ва Имом Муслим ривояти).

عن ابن عمر رضي الله عنهما قال : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: من صام رمضان

واتبعه ستاً من شوال خرج من ذنوبه كيوم ولدته أمه (رواه الإمام الطبراني).

Ибн Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинади, Набий соллаллоху алайҳи васаллам: “**Кимки Рамазон рўзасини тутиб, ортидан Шаввол ойида олти кун рўза тутса, худди онадан тугилгандек гуноҳлардан фориғ бўлади**”, деганлар (Имом Табароний ривоят қилган).

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, агар бир киши Рамазон рўзасидан айрим кунларни тутолмаган бўлса, аввал унинг қазосини ўтайди, кейин нафлга киришади. Зеро, фарзлар мукамал бўлмасдан, нафл ибодатларини қилиш мақбул эмасдир.

Аллоҳ таоло барчаларимизга Рамазон ҳайитини муборак қилсин! Бу кунни байрам қилиб, савобли амалларни кўплаб қилишни Яратганинг ўзи насиб айласин! Юртимиз тинчлигини бардавом қилиб, хотиржамликда ибодат қилиб боршини барчаларимизга насиб этсин! Омин.

2018 йил Рамазон ҳайити куни ва намозининг вақти

Муҳтарам имом-домла! Ўзбекистон мусулмонлари идораси жорий 2018 йил Рамазон ҳайити (ийдул фитр)нинг биринчи куни 15 июнь (*шаввол ойи 1 куни*) жума кунига тўғри келиши тўғрисидаги қарорини қабул қилди.

Шунга кўра, масалан 2018 йил 15 июнь жума куни Рамазон ҳайити намози Тошкент вақти билан 5:10 да, бошқа жойларда намоз вақтидаги тафовутни инобатга олиб, қуёш чиққандан сўнг 15-20 дақиқалардан кейин ўқилади.

Аллоҳ таоло Рамазон ҳайити намозини барчамиздан қабул айлаб, бу куннинг шарофати билан юртимизни файзу баракотга тўлдирсин! Омин!

Тошкентдан бошқа шаҳарларда қуёшнинг чиқиш ва ботиш вақтларидаги фарқлар (дақиқа ҳисобида)

Рамазон ҳайити намози 15июнь куни Тошкент вақти билан 05:10 да ўқилади			
Шаҳарлар	Тошкентдан олдин	Шаҳарлар	Тошкентдан кейин
Қўқон	-7= 05:03	Бекобод	+ 4= 05:14
Наманган	-10= 04:49	Жиззах	+ 6= 05:16
Фарғона	- 10= 04:49	Гулистон	+ 7= 05:17
Андижон	- 11= 04:48	Денов	+ 7= 05:17
		Жомбой	+ 7= 05:17
		Самарқанд	+ 9= 05:19
		Шаҳрисабз	+10= 05:20
		Қарши	+12= 05:22
		Каттақўрғон	+12= 05:22
		Нурота	+14= 05:24
		Навоий	+19= 05:29
		Бухоро	+21= 05:31
		Хива	+35= 05:40
		Нукус	+ 42= 05:52